2012 ЙИЛ 2 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 152 (12.213)

Баҳоси эркин нархда

MUSTAQILLIK · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ
21
O'ZBEKISTON

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОР ЮРТ

...Кун бўйи тандирдек қизиган шаҳар кечга бориб бир оз ҳовуридан тушди. Енгилгина қўзғалган шабада секин-аста танни яйратади. Бепарво болакайдай стол устидаги қоғозларни сочиб ўйнаётган шамолни шахтидан тушириш учун деразани ёпаман. Вақт алламаҳал бўлганига қарамай, тарки одат амри маҳол, уйга кетар олди дунё воқеаларидан хабардор бўлиш ниятида яна интернетни очаман. Афсуски, кўнглим зимистонга айланади. Иримига бўлса-да, кайфиятни кўтарадиган бирорта хушхабар қидираман, лекин...

Дунёнинг қайсидир бурчида кечаётган қонли тўқнашувлар оқибатида бевақт хазон бўлаётган бегуноҳ инсонлар, таназзулга юз тутаётган иқтисодиёт, вайронага айланаётган шаҳарлар ҳақидаги хабарлар юракка тошдек ботади. Қонга беланган онасининг жасади тепасида мунғайиб ўтирган гўдак нигоҳидаги оғриққа чидаш қийин.

Ғарқ бўлган кемалар, ҳалокатга учраган поездлар, ерпарчин бўлган самолётлар, минг-минг гектарлаб ўрмонларни ўз домига тортаётган ёнғин, йўлида учраган нарсани пista пўчоғидек ўйнатиб, қанчадан-қанча одамларни бошпанасиз қолдираётган сув тошқинлари, молиявий иқтисодий инқироз туфайли банкрот бўлган корхоналар, ишсиз қолган кимсаларнинг таҳликали намойишлари...

Компьютерни ўчиргач, қоронғуликдан ёруғликка базўр суғурилиб чиққан одамдек бир лаҳза карахт бўлиб ўтираман.

Сўнгра балконга чиқаман. Кўксимни тўлдириб салқин ҳаводан симираман. Кўнглимдаги ғашлик арий бошлайди. Рангин чироқлар оғушидаги муаззам пойтахтимиз марказидаги улуғвор биноларнинг тунги салобати, тароватига қараб шукроналик келтираман. Тошкент телеминорасининг чироқлари митти юлдузлар каби порлаб турибди. «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ёшлар ижод саройи, бетакрор тарҳи билан ҳар қандай кишини лол қолдирадиган «Маърифат маркази»...

Чап томонда эса... чап томонда гўё қуёш ботмагандек. Мустақиллик майдонининг рамзий дарвозаси – Эзгулик аркаси тепасида чарх ураётган турналар, рангин фавворалар шуъласида ажиб товланаётган лайлаклар бу муқаддас остонани босиб ўтаётган ҳар бир юртдошимиз қалбига хотиржамлик, эртанги кунга ишонч бахш этаётгандек. Толим-толим фавворалар остида у ёқдан бу ёққа югураётган болажонларнинг шодон қийқириқлари уларнинг нағмаю навозишларига қўшилиб кетаётгандек. Саф тортган чироқлар Мустақиллик монументи, унинг олдидаги Бахтиёр она сиймосига ажойиб улуғворлик бағишлайди.

Она – осойишталик, тинчлик, хотиржамлик, меҳр-муҳаббат, вафо-садоқат, умид ва ишонч рамзи. Фарзандини бағрига босган Бахтиёр она чеҳрасидаги табассум юртимиздаги тинчликдан, турмушимиздаги фаровонликдан, осмонимиз мусаффолиги, тунларимиз осуда, кунларимиз фарахбахшлигидан, фарзандларимиз соғлом ва баркамол – эртамиз ёруғлигидан нишонадир.

Президентимизнинг 2012 йил 19 июнь куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ишлар изчиллик ва тизимли равишда амалга оширилаётгани, жамиятимизда тинчлик ва осойишталик, миллатлар ва фуқаролар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳити тобора мустаҳкамланиб, бу борада фуқаролик жамияти институтлари, ўзини-ўзи бошқариш идоралари, жумладан, маҳалланинг роли ва таъсири кучайиб бораётгани таъкидлаб ўтилган. «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» деган эзгу ғоя замирида ҳам ана шу мақсад ва ғоялар мужассам. Зеро, тинчлик бўлмаган жойда на бахт, на эркинлик ва на ободлик бор.

Шу хаёллар билан кўчага чиқаман. Таниш, дилтортар мусиқа Алишер Навоий номидаги катта театр майдонига – ўша машҳур фаввора ёнига чорлайди. Вақт анча кеч бўлганига қарамай майдон жуда гавжум. Гўё бутун шаҳар тўпланган – ҳамма шу ерда. Чоғроқ телескопдан юлдузларни кузатаётган катталар, ғилдиракли конькиларда «учаётган» қизчалар, велосипедларда мусобақа ўйнаётган болалар... Каттаю кичик, аёлу эркак – ҳаммасининг юзида байрамлардагидек қувонч, масрурлик ва мамнунлик!

Кўз тегмасин!

– Бу ерга тез-тез келиб турамиз, – дейди ўзини чилонзорлик Акбар Қурбонов деб таништирган йигит. – Фарзандларимизнинг каттаси оромгоҳда. Болаларимизга бу майдон жуда ёқади. Ота-она учун фарзандининг қувончини кўришдан ортиқ бахт борми? Вақтнинг ўтишини қаранг. Соатга ҳам қарамабмиз. Лекин хавотирланадиган жойимиз йўқ. Юртимиз тинч, шаҳримиз осойишта. Қоронғу тушмасдан эшик-деразасини тамбалаб, кўчага чиқишга юраги бетламайдиган одамлар яшайдиган мамлакатлар камми?! Шукурки, фарзандларимизнинг ҳам, ўзимизнинг ҳам эртамиздан кўнглимиз хотиржам.

– Тошкентга меҳмон бўлиб келганмиз, – дейди Самарқанд вилояти Қўшработ туманидан келган Абдумўмин ака Алиқулов. – Касбим қурувчи. Вилоятимизда, туманимизда бунёд этилган кўплаб замонавий коллежлар, мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари қурилишида иштирок этганман. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларида озгина бўлса-да, ҳиссам борлигидан фахрланаман. Иш юзасидан Тошкентга тез-тез келиб тураман. Ҳар гал, қурувчи сифатида мени ҳайратга соладиган, янги бир бино қад ростлаганини кўриб, кўнглим яйрайди. Шаҳарсозлик маданияти, архитектура ва ландшафт дизайни йўналишида қўлга киритаётган ютуқларимиз билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди.

Тошкент кундузи қанчалик гўзал бўлса, тунда ҳам шунчалар тароватли. Айниқса, одамларнинг юз-кўзидаги қувонч, шодумонлик, турмушидан, ҳаётидан мамнунлик ҳисси пойтахтимизга, унинг руҳига ўзгача ҳусн бағишлайди.

Дунёда гўзал шаҳарлар, уларнинг майдонлари, майдонларнинг рангин, мусиқий фавворалари кўп. Аммо уларнинг бирортаси Тошкентдек осойишта, Алишер Навоий номидаги катта театр майдонидек файзли, унинг фавворасидек жозибали бўлмаса керак. Бу гапни шунчаки, йўлига айтмадим. Бу ерда сайру сафо қилаётган юртдошларимиз орасида ажнабий сайёҳлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг нигоҳларида, юз-кўзларида ҳам ана шу ифода зоҳир: Ўзбекистон жаннатмонанд юрт!

Воҳид ЛУҚМОН,
ЎзА шарҳловчиси

ЎҚИШГА ИШТИЁҚИ БАЛАНД ЁШЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Кўпчилик ҳозирги даврни профессионаллар асри деб эътироф этмоқда. Бу эса ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, аввало, юқори малакали мутахассислар бўлишини англатади. Ўқимишли одам профессионал ҳисобланади. Нафақат бугунги кун билан, балки келажакка интилиб яшаётган аксарият ёшлар ҳам бу фикрга қўшилади.

Мамлакатимиз олий ўқув юртларида кенг истиқболга йўл очадиган ва ўз имконият ҳамда иқтидорини намоён этиш имконини берадиган даражада билим олишга интилаётган ёшлар сони тобора кўпайиб бораётганини шундай изоҳлаш мумкин.

Анъанага кўра, 1 август куни эрталаб мамлакатимизда олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари бўлиб ўтди. Аудиторияларда тест синовларини топшираётган йигит-қизлар ҳам, имтиҳон олаётган ўқитувчилар ҳам ва фарзандларининг синовдан муваффақиятли ўтишини кутаётган ота-оналар ҳам — барча ҳаяжонда.

Жорий йилда кириш имтиҳонлари Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 7 майда қабул қилинган «2012/2013 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ўтказилди. Ушбу ҳужжатда олий ўқув юртларига талабаларни қабул қилиш квоталари тасдиқланган.

Ҳужжат мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларида ва минтақаларида талаб этиладиган ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассисларни сифатли тайёрлашни таъминлаш, шунингдек, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт таркибини модернизациялаш ҳамда диверсификациялаш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларини янада мақбуллаштириш ва унификация қилиш мақсадида қабул қилинган.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, янги ўқув йилида бакалавриатнинг биринчи курсига 56607 талаба қабул қилинади. Уларнинг 19340 нафари давлат грантлари бўйича ва 37267 нафари тўлов-контракт асосида таълим олади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказидан олинган маълумотларга кўра, мамлакатимиз олий ўқув юртларига 432 минг нафардан ортиқ йигит-қиз ҳужжат топширган. Бу бир ўринга 7,64 даъвогар тўғри келади, демакдир. Айниқса, Термиз давлат университетида ўқишга кириш учун 21841 йигит-қиз ариза берган. Яъни, бир ўринга 13,36 абитуриент даъвогарлик қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида туманидаги 10 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида спортнинг стол тенниси, баскетбол ва у-шу турлари бўйича «Спорт — саломатлик гарови» мавзуида мусобақа ўтказилди.

✓ **БУГУН** «Ўзфармсаноат» ДАК ва Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида «Республикамиз аҳолисини дори воситалари билан таъминлашда амалга оширилаётган ишлар, уларнинг натижалари ва келажакдаги вазифалари» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Маънавият тарғибот маркази Олмазор туман бўлими томонидан тумандаги Тошкент банк коллежида «Обод», «Табассум», «Галаба» ва «Шуҳрат» маҳалла фуқаролари учун «Озод ва обод Ватанда бахтли яшаш – ўз қўлимизда» мавзуидаги байрам тадбири ташкил қилинди.

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 2012 йил биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Федерация кенгашининг ҳисобот давридаги фаолияти сарҳисоб қилиниб, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг тутган ўрни, Халқаро Меҳнат Конференцияси 101-сессияси якунлари ва бошқа қатор масалалар муҳокама этилди.**

● **Бухоро туманидаги «Галаривер» қўшма корхонасида 247 минг АҚШ долларилик модернизациялаш тадбирлари амалга оширилгач, бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ортди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида корхонада 450 минг АҚШ долларилик узум шинниси тайёрланиб, хорижлик буюртмачиларга жўнатилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан деярли қирқ фоизга кўпдир. Умуман, тумандаги саноат корхоналари томонидан шу кунга қадар 13 миллион АҚШ долларидан зиёд маҳсулот экспорт қилинди.**

● **Деҳқонобод туманида пишиқ ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Элнурабону чирой» хусусий корхонаси иш бошлади. Банкдан олинган 185 миллион сўмлик кредит эвазига бу ерда илғор технологик линиялар ўрнатилди. Ҳозир корхонада кунига 10 минг донагача сифатли деворбоп материаллар тайёрланмоқда. Айтиш керакки, бу турдаги маҳсулотлар шу пайтгача қўшни туманлардан келтирилар эди. Эътиборлиси, корхонада 20 га яқин иш ўрни яратилди. Таъкидлаш керакки, вилоятда 2012 йилнинг биринчи чорагида 88 та саноат корхонаси фойдаланишга топширилди.**

ЖАҲОНДА

● **Флорида университети олимлари кунига икки дона олма истеъмол қилиш юрак-қон томир касалликлари, айниқса, инфаркт хавфини сезиларли даражада камайтиришини таъкидламоқда. Олмадаги фойдали моддалар қон таркибидаги холестерин миқдорини туширади. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, олти ой давомида темир моддасига бой ушбу мевани мунтазам истеъмол қилиш қондаги холестеринни 16 фоизга камайтирган.**

● **Мобиль телефонлар ишлаб чиқарувчи «Nokia» компанияси Финляндиянинг Сало шаҳридаги заводини ёпади. Компаниянинг мазкур мамлакатдаги ягона заводи фаолиятини тўхтатишга иқтисодий танглик сабаб бўлмоқда. Маълумотларга кўра, «Nokia» Германия ва Канададаги тадқиқотлар ва ишлаб чиқариш марказларини ҳам ёпган.**

● **Йель ва Сантьяго университети олимлари тишдаги кариесни бартараф қилувчи восита яратдилар. Мазкур восита оғиз бўшлиғидаги бактерияларни олтмиш сония ичида бутунлай йўқ қилади. Тишлар мустаҳкамлигига зиён етказувчи Streptococcus Mutans микробларига чек қўювчи Keep-32 номли мазкур восита 2013 йилда сотувга чиқарилади.**

● **Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тарқатган маълумотларга кўра, Угандада «Эбола» номли хавфли безгак касаллиги тарқалмоқда. Ҳозиргача мамлакатнинг Кибаала округида ўн беш киши мазкур вирус туфайли ҳаётдан кўз юмган. Зарарланганлар сони кун сайин ортмоқда. Шифокорларнинг таъкидлашича, бундай беморларда юқори ҳарорат, ичак ва тана аъзолари фаолияти бузилиши кузатилади. Саросимага тушган маҳаллий аҳоли турар жойларини тарк этмоқда. Мазкур вирусга қарши вакцина ишлаб чиқарилмаган. 2000 йилда Угандада «Эбола» 224 кишини ҳаётдан олиб кетган.**

ЗАМОНАВИЙ АЛОҚА ТИЗИМИ

Тошкент алоқа ва сигналлаштириш дистанцияси темирйўл тармоғидаги эски автоматик телефон станцияларини рақамли оптик толали алоқа воситаларига алмаштиришга барвақт киришилган эди.

Бундай янги технологияларнинг қўлланиши нафақат алоқа ва сигналлаштириш тизимининг ишини яхшилайди, балки поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

«Саркор телеком» компанияси билан «Тошкент» минтақавий темир йўл узелидаги телефон станцияларини юқори тезликдаги Интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятини берадиган шартнома тузилди. Бунга эскирган қурилмаларни янгиларига алмаштириш орқали эришилди.

Телефон тармоқларидаги носозликлар аниқланиб, ишламайдиган телефонлар назоратга олинди. Телекоммуникация тармоқлари инфратузилмасини ривожлантириш, илғор технологияларини жорий этиш орқали замонавий инфокоммуникация хизматларини кўрсатиш ва видео алоқа тизимини йўлга қўйишга ҳам эътибор кучайтирилди.

Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтидаги эскирган АТСларни замонавий рақамли алоқа станцияларига алмаштиришга эришилди.

Пойтахтимиз кўчалари бўйлаб ҳаракатланаётган йўловчи транспорт воситаларига эътибор берганмисиз? Ёш, серғайрат ва фаол ҳайдовчилар бошқараётган «Мерседес-Бенц» автобусларигачи?

Транспорт

ЙЎНАЛИШДА ЯНГИ ЗАМОНАВИЙ АВТОБУС

Шу ўринда 72-йўналишни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Йўналишдаги 14 та «Мерседес-Бенц» 29 нафар ҳайдовчи ва яна шунча чипта сотувчига бириктирилган бўлиб, ўрта ҳисобда ҳар бир ҳайдовчи кунига 16 та қатнов бажариши режада белгилаб қўйилган. Йўналишнинг умумий узунлиги 16,5 километрни ташкил қилади. Шу оралиқ масофада 24 та бекат ва 28 та йўлчироқ жойлашган. Йўналиш тасарруфига Евро-4 двигателли автобус ҳам қўшилди. Мазкур транспорт воситасида 27 та ўриндиқ ва 4 та ногиронлар аравачаси учун жой ажратилган.

Бундан ташқари 70 нафар йўловчи тик турган ҳолатда манзилига етиб бориши мумкин. Автобус ичида ҳар доим мўътадил об-ҳаво мавжуд бўлади. Уни бошқараётган ҳайдовчига ҳам бир қанча қулайликлар яратилган. Ёқилғини кам сарфлаши билан ҳам бошқа автобуслардан фарқ қилади.

Уни бошқариш эса тажрибали ҳайдовчиларга ишониб топширилди.

Акбар АЛИЕВ

Тадбиркорлик ривожига қаратилаётган доимий эътибор натижасида хусусий секторнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши тобора ортиб, аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг муҳим омилига айланиб бормоқда.

Фармон ва ижро

ТАДБИРКОР ҲУҚУҚИ — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Бунда соҳани ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган қонунчилик асослари яратилгани алоҳида аҳамият касб этаётир. Давлатимиз раҳбарининг яқинда қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартибтаомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонлари тадбиркорлик субъектларига қулайлик яратиши билан бирга уларнинг ҳуқуқлари кафолатларини янада мустаҳкамлади.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан «Тадбиркорлар ҳуқуқлари – қонун ҳимоясида» мавзуида ташкил этилган матбуот анжуманида мазкур фармонлар ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар комплексининг қабул қилиниши иқтисодиётимиз тараққиётига хизмат қилмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили қонун даражасида жорий этилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида давлат органлари, хусусан адлия идоралари изчил фаолият юритмоқда. Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида қонунбузилишларнинг олдини олиш мақсадида турли идораларга киритилган таъсир чораларига оид ҳужжатлар самарасида 175 нафар мансабдор шахс маъмурий, 1458 нафари интизомий жавобгарликка тортилди. Тадбиркорлардан тушган мингга яқин мурожаат қонуний ҳал этилди.

Адлия органларида махсус «1-008» рақамли «Ишонч телефони» ташкил этилганлиги ҳуқуқлари бузилган тадбиркорларнинг тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имкониятларини кенгайтирди. Шунингдек, тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувлар бўйича мурожаатларни қабул қилишни такомиллаштириш мақсадида вазирликнинг интернетдаги веб-сайтидаги «Тадбиркор мурожаати» саҳифасида мурожаатларнинг натижаси бўйича кўрилган чора-тадбирлар ҳақида маълумотлар жойлаштириб борилмоқда. 350 мингдан ортиқ тадбиркор «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» билан таъминланган. Ушбу китобни тўлдириш тартибига риоя қилиниши юзасидан доимий мониторинг юритилмоқда.

Қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг амалда тўғри татбиқ этилишини таъминлаш ва тадбиркорларга уларнинг мазмун-моҳиятини етказиш мақсадида адлия органлари томонидан 5,5 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Шунингдек, соҳага оид 374 норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан, 68 идоравий-меъёрий ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказилди.

Анжуманда давлатимиз раҳбарининг қабул қилинган янги фармонлари мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилашда муҳим омил бўлиши алоҳида таъкидланди. Корхоналар фаолияти билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг барча турларини қисқартириш ва очиқ-ойдинлик даражасини ошириш, бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолаш мезонларининг жаҳон амалиётида қабул қилинган тизимини жорий этиш ишбилармонлик ва инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтингини янада оширишга хизмат қилади.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ЎҚИШГА ИШТИЁҚИ БАЛАНД ЁШЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ёшларнинг аксарияти Тошкент Ахборот технологиялари университетини танлаган. Буни ахборот-коммуникация технологиялари асрида техник мутахассисларга нисбатан талаб ортиб бораётгани билан изоҳлаш мумкин. Юқори технологиялар соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳам жадал ривожланиб бораётган тармоқларидан биридир. Тошкент Ахборот технологиялари университети Марказий Осиёдаги телекоммуникациялар ва ахборот тизимлари соҳасида кадрлар етказиб берадиган йирик олий ўқув юрти ҳисобланади.

Бугун Тошкент Ахборот технологиялари университети юқори илмий-педагогик салоҳият, кенг турдаги таълим коммуникацияларига эга, халқаро алоқалар тармоғи ривожланган, мутахассислар тайёрлаш даражаси юксак замонавий олий ўқув юртидир. Сўнгги йилларда университетнинг яхши анъаналари тобора кўпаймоқда, бакалавриатуранинг янги таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари очилмоқда, илмий ишлар ҳимоя қилинмоқда, университетнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, янги корпуслар қурилмоқда. Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртлари билан халқаро ҳамкорлик ҳам кенгаймоқда. Бунинг натижасида талабалар нафақат университет, айни пайтда замонавий техника асосида етакчи марказларда ҳам таълим олмоқда.

Тошкент Ахборот технологиялари университети қабул комиссиясининг масъул котиби Ўткир Ҳамдамовнинг айтишича, янги ўқув йилида олий ўқув юрти бакалавриатининг биринчи курсига 2235 талаба қабул қилинади. Уларнинг 50 нафари, шу жумладан, 15 нафар талаба давлат грантлари бўйича ва 35 нафар талаба тўлов-контракт асосида махсус сиртқи бўлимда ўқийди. Бироқ, мазкур университетда ўқишни истаётган йигит-қизлар сони анча кўп. Хусусан, бу йил абитуриентлардан тўққиз мингга яқин ариза келиб тушган.

Бундай ҳолатни Тошкент тиббиёт академиясида ҳам кузатиш мумкин. Негаки, шифокорлик энг шарафли касблардан биридир. Шу боис соғлиқни сақлаш тизими мутахассислари ҳар доим долзарб муаммоларнинг янги ечимларини топишга ҳаракат қилмоқда ва бу уларга замон билан ҳамнафас фаолият олиб бориш имконини бермоқда. Академияда ўқишни истаётган йигит-қизлар кўпайиб, бораётганининг сабаби ҳам шунда.

Академия Президентимизнинг 2005 йил 19 июлда қабул қилинган «Тошкент тиббиёт академиясини ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармонига биноан ташкил этилган. Бундан мақсад юқори малакали тиббиёт кадрлари тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш ва сифатини ошириш, ўқиш жараёнини ташкил қилишнинг замонавий талабларига мос келадиган зарур ўқув ва моддий-техника базасини яратиш, илғор таълим технологияларини кенг жорий этиш асосида ўқиш жараёнини янги мазмун билан бойитиш, бўлғуси мутахассисларнинг таълими аниқ даволаш амалиёти малакаларини эгаллаш билан чамбарчас боғлаб олиб борилишини таъминлашдан иборатдир.

Жорий йилда Тошкент тиббиёт академияси бакалавриатининг биринчи курсига 6770 йигит-қиз ариза топширган. Уларнинг фақат 660 нафари ўқишга қабул қилинади.

Таъкидлаш жоизки, бу йил академиянинг имкониятлари янада кенгайди. Энди бу ерда ҳарбий тиббиёт ходимлари ҳам тайёрланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 июлда қабул қилинган Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида ҳарбий-тиббиёт факультетини ташкил этиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, Мудофаа вазирлигининг Тиббиёт мутахассислари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази ҳамда Тошкент тиббиёт академияси ҳарбий кафедраси негизида ҳарбий-тиббиёт факультети ташкил қилинди.

Юқори малакали тиббиёт хизмати офицерларини, мураккаб тактик шароитларда тиббиёт бўлинмаларини бошқаришга қодир заҳирадаги тиббиёт хизмати офицерларини тайёрлаш, Қуролли Кучларнинг тиббиёт ходимлари таркиби малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш факультетнинг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Ҳарбий-тиббиёт факультетида шу соҳага оид илмий тадқиқотлар ўтказилади, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тиббиёт хизматининг даволаш-эвакуация қилиш, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши фаолиятига замонавий инновация технологияларини жорий қилишга доир таклифлар ишлаб чиқилади.

Янги 2012/2013 ўқув йилларида давлатимиз раҳбарининг шу йил 4 июнда имзоланган «Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорига биноан Тошкент давлат маданият институти ва Ўзбекистон давлат санъат институти негизида ташкил қилинган янги олий ўқув юрти – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига ҳам дастлабки талабалар қабул қилинмоқда.

Мазкур олий ўқув юртига қабул квотаси бакалаврлар тайёрлаш бўйича жорий йилда 297 нафар этиб белгиланган. 2350 нафар абитуриентдан ҳужжатлар келиб тушган. Бу йил институт бакалавриат йўналишлари рўйхатига «Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш» йўналиши ҳам киритилди.

...Яқин кунлар ичида мамлакатимиз талабалари сафига жамиятимиз учун наф келтириш, Ватанимиз равнақи ҳамда халқимиз фаровонлиги учун астойдил меҳнат қилишга бел боғлаган минглаб ёшлар қўшилади.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири

Пойтахтимиз йирик мегаполис шаҳарлардан бирига айланмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг барча ҳудудлари сингари Тошкентда ҳам кенг кўламли ободонлаштириш ва тозалик ишлари амалга ошириб келинмоқда. Истиқлол йилларида пойтахтимиз кўрки тубдан ўзгарди, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ўз самарасини бермоқда.

Экология

АТРОФ-МУҲИТ ОЗОДАЛИГИГА ЎЗ ҲИССАМИЗНИ ҚЎШАЙЛИК

Табиийки, аҳоли сони ортгани сари табиий эҳтиёж туфайли чиқиндилар миқдори ва ҳажми ошиб бораверади. Шундай экан, чиқиндиларни ташишнинг замонавий тизимини яратиш орқали экологик муҳитни соғломлаштиришга эришиш мумкин. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан қабул қилинган «Тошкент шаҳрининг санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилаш ва ҳудудларда тозаликни сақлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги махсус қарорнинг мақсади – шаҳарда чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва саломатлигига, атроф-муҳит мусаффолигига етказаётган зарарли таъсирининг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш, чиқиндиларни турларга ажратиш, замонавий технологиялар ёрдамида уларни қайта ишлаш тизимини жорий этиш, уларни йиғиш ва ташкилий равишда олиб чиқиб кетиш ишларини янада такомиллаштириш ва тартибга солишдан иборатдир.

Ушбу қарор асосида «Тошкент шаҳрида маиший чиқиндиларни ажратиш, тўплаш, йиғиш ва ташкилий равишда олиб чиқиб кетиш бўйича қоидалар» тасдиқланди ва унга жорий йилнинг 1 августидан бошлаб амал қилинмоқда.

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон экологик ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлари гуруҳи, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалар қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида «Чиқиндиларни йиғиш, қайта ишлашнинг долзарб масалалари ва минтақадаги трансчегаравий экологик муаммолар» мавзуидаги давра суҳбати ҳам айнан шу мавзуга бағишланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгашлари депутатлари, Экоҳаракат фаоллари ва экспертлари, қатор вазирлик, идоралар, корхона, ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Ушбу давра суҳбати «Тошкент шаҳрида маиший чиқиндиларни ажратиш, тўплаш, йиғиш ва ташкилий равишда олиб чиқиб кетиш бўйича қоидалари»нинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш ва уни республика миқёсида оммалаштириш мақсадида ташкил этилди.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда Республикамизда ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларининг ҳосил бўлиш миқдори йилига 100 млн. тоннани ташкил этиб, унинг 35 млн. тоннага яқини маиший чиқиндилар ҳисобланади.

Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳозирги даврда бир кишининг озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой эҳтиёжларини таъминлаш учун йил давомида 20 тонна турли хом ашё сарфланиб, фақат 5-10 фоизи якуний тайёр маҳсулотга айланиб, 90-95 фоизи чиқитга чиқиб кетмоқда. Бундан ташқари, тайёр маҳсулотларнинг бир қисми турли сабабларга кўра истеъмолдан чиқиб, чиқиндига айланмоқда. Саноат чиқиндиларига қўшимча равишда Республикада 35 млн. куб м. миқдорида маиший чиқиндилар ҳосил бўлиб, улар шаҳар ва қишлоқ чиқиндихоналарида жойлаштирилади. Ҳисоб-китобларга кўра ҳар 1 млн. тонна маиший чиқинди билан 360 минг тонна озиқ-овқат чиқиндилари, 160 минг тонна қоғоз ва картон, 55 минг тоннага яқин текстиль, 45 минг тоннага яқин пластмасса ва бошқа қимматли компонентлар йўқотилади.

Давра суҳбати давомида Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Борий Алихонов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси Мавжуда Ражабова, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Раҳмонов ва бошқаларнинг чиқиндилар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари, «Тошкент шаҳрида маиший чиқиндиларни ажратиш, тўплаш, йиғиш ва ташкилий равишда олиб чиқиб кетиш бўйича қоидалар»дан келиб чиқадиган вазифалар ва бошқа масалалар борасидаги маърузалари тингланди.

— Ушбу давра суҳбати бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлмиш табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларини ижобий ҳал этишга бағишланган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Фарҳоджон Пўлатов. — 2002 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди, «Ўзбекистонда барқарор тоза ишлаб чиқариш Дастурини ишлаб чиқиш ва тоза ишлаб чиқаришни татбиқ этиш» ҳамда Ўзбекистонда БМТнинг Тараққиёт Дастури ҳамкорлигида чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги давлат сиёсатини ва ҳаракатлар самарадорлигини оширишга қаратилган «Ўзбекистон Республикасида чиқиндиларни бошқариш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режаси» ишлаб чиқилиб жорий этилмоқда. Жаҳон тажрибаси кўрсатганидек, чиқиндиларни қайта ишлашни йўлга қўйиш орқали ишлаб чиқаришнинг янги тармоғини ривожлантириш муаммони ҳал этишнинг энг муқобил йўлларидан бири ҳисобланади. Муаммонинг ечимини топишда чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳисобига замонавий чиқитсиз ва камчиқитли технологияларни жорий этиш, ушбу йўналишда фаолият олиб бораётган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга шарт-шароит яратиб бериш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бундан буён чиқиндилар ташланишидан олдин юридик ва жисмоний шахслар томонидан турларга ажратилиб, 4 хил рангдаги белгиланган махсус пакетларга жойлаштирилади. Симобли лампаларнинг ишлатиб бўлинган ресурслари эса махсус идиш (контейнерга) солинади.

Долзарб мавзудаги давра суҳбатида мазкур қоидаларнинг қай тарзда жорий этилиши ва унинг тартиблари ҳақида батафсил тушунчалар берилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар шаҳримиз озодалигини таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотларининг ролини кучайтириш, аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини ошириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтдилар. Мазкур давра суҳбати доирасида Орол денгизи ҳавзасидаги трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланиш масалалари ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Тадбир якунида бугунги кунда Тошкент шаҳрида амал қилиниши белгиланган мазкур қоидаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида шаҳар аҳолиси ва пойтахтимиз меҳмонлари ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ташкил этиш ҳамда жойларда ушбу йўналишдаги ишларни кучайтириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Жорий этилаётган янги тизим аввало, шаҳримиз тозалиги-озодалиги, экология, санитария-эпидемиология даражасини оширишга қаратилган. Инсон саломатлиги, ҳаво мусаффолигига эришиш, чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини йўлга қўйишга қаратилган бу тизим орқали шаҳримиз озодалигига эришамиз.

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР, АТРОФ-МУҲИТ ТОЗАЛИГИГА ЎЗ ҲИССАМИЗНИ ҚЎШАЙЛИК, ШАҲРИМИЗ ЭКОЛОГИЯСИНИ АСРАШ БОРАСИДА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛ ЭКАНЛИГИМИЗНИ УНУТМАЙЛИК.

Зиёда РАСУЛОВА

Янги лойиҳалар

ЗАНГОРИ ОЛОВ — БЕБАҲО НЕЪМАТ

ундан тежаб-тергаб фойдаланиш барчамизнинг бурчимиз

Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўпчилик ҳамшаҳарларимизнинг талаб ва истакларидан келиб чиқиб навбатдаги «Қабул куни»ни «Тошкентшаҳаргаз» филиали раҳбари Темур Грабович иштирокида ташкил этди. Унда лойиҳа доирасида келиб тушган савол ва мурожаатларга муфассал жавоб бериш мақсадида тегишли бўлинмалар раҳбарларининг иштироки ҳам таъминланди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Т. Грабович дастлаб пойтахтимизда аҳолини табиий газ билан узлуксиз таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар, 2012-2013 йил қиш мавсумига тайёргарликнинг бориши ҳақида тўхталди.

— «Тошкентшаҳаргаз» филиали Тошкент шаҳри ҳамда пойтахт вилоятининг бир қатор туманларига табиий газ етказиб беради, — дейди ташкилот раҳбари. — Бунинг учун 5300 км узунликда турли босимдаги газ қувурлари ётқизилган ҳамда юқори ва ўрта босимли 2035 та газ тақсимлаш ускунаси ишлаб турибди.

Агар истеъмолчиларнинг тоифаларига қарайдиган бўлсак, жами 154 мингта хусусий уй, 413 мингга яқин кўп қаватли уйлардаги хонадонлар, 712 та саноат корхонаси, 5562 та маиший ва коммунал объект, 2906 та индивидуал меҳнат фаолияти объекти ва бошқа бир қатор иссиқлик энергияси ҳамда локал қозонхоналарга хизмат кўрсатамиз.

Дарҳақиқат, ҳисоб-китобларга кўра, ўрта ҳисобда бир йилда шаҳарнинг табиий газга бўлган эҳтиёжи 3,5 млрд кубометрга тенг келаркан. Бу эса ўз-ўзидан, ташкилот зиммасига ўта масъулиятли, айни вақтда шарафли вазифа юклатилганидан далолат беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, халқимизнинг кундалик зарурий эҳтиёжига хизмат қилувчи газлаштириш, табиий газ етказиб бериш ишларига муҳим эътибор қаратилади, бу борадаги муаммоларнинг ўз вақтида бартараф этиб келиниши, айниқса қиш фаслида, баҳор ва куз ойларида шаҳримизнинг бирон-бир нуқтасида газдан узилишларга йўл қўймаслик, босимни меъёрда ушлаш масалалари доимий кун тартибида бўлиб келаётир. Ташкилотда ишонч телефонлари доимий ишлаб туради, қолаверса, мавжуд камчилик ва муаммоларни ўз вақтида аниқлаш, уларни бартараф этиш мақсадида ҳар ойда қабул кунларини ўтказиш анъанага айланган.

— Мен шу ўринда юртимизда айни ёз фасли бўлишига қарамай, 2012-2013 қиш мавсумига ҳам қизғин тайёргарлик кўраётганимизни таъкидлашни истардим. — дейди Т. Грабович. — Шаҳар ҳокимининг тегишли қарори асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирларни амалга ошириш аносида ўтган мавсумда якунига етмай қолган ишлар, бугунги кунда тезда ҳал қилиниши лозим бўлган тадбирлар махсус тузилган штаб назорати остида босқичма-босқич ўз ниҳоясига етказилмоқда.

Айни вақтгача жами 1800 тадан ортиқ юқори ва ўрта босимдаги газ ўтказиш ускуналари техник назоратдан ўтказиб бўлинди. Шулардан 47 таси таъмирдан чиқарилди, 890 километр узунликдаги ер ости қувурлари ҳам махсус текширувдан ўтказилиб зарурий ишлар амалга оширилди. Хулоса қилиб айтганда, ёзнинг айни жазирамасида ҳам аҳолимизнинг эртанги қиш мавсумида бамайлихотир, совуқдан озор чекмай умргузаронлик қилиши учун тайёргарлик чораларини кўриб бормоқдамиз.

Шундан сўнг, «Тошкентшаҳаргаз» филиали мутасаддилари аҳолидан келган савол ва мурожаатларга жавоблар беришди.

Интернет орқали келиб тушган савол: ***Бугун табиий газ бутун дунёдаги энг қимматбаҳо товарлардан бирига айланган. «Тошкентшаҳаргаз» филиали табиий газ ресурсларини тежаш борасида қандай амалий чоралар кўрмоқда?***

Жавоб: Дарҳақиқат, газ бугун глобал даражадаги қимматбаҳо товар, буни изоҳлаб ўтиришнинг ўзи ортиқча. Газ таъминоти тизимида табиий газ ресурсларини тежаш борасида «Тошкентшаҳаргаз» филиали тасарруфидаги туманлардаги газдан фойдаланиш хизматлари томонидан маънавий эскирган газ ҳисоблагичларни тежамкор замонавий электрон ҳисоблагичларга алмаштириш масаласи жадаллик билан амалга оширилмоқда. Эскирган иситиш қозонлари ҳам замонавийлари билан алмаштирилмоқда. Объектларни газлаштириш бўйича «Тошкентшаҳаргаз» филиали томонидан техник шартларни белгилаш чоғида ҳам бугунги кун талабларини инобатга олган ҳолда, ушбу бебаҳо бойликни тежаш, ортиқча исрофгарчиликларга йўл қўймасликка йўналтирилган талаблар қўйилмоқда. Шу ўринда аҳоли ўртасида ҳам бу борада муайян тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бормоқдамиз.

Мирзо Улуғбек тумани фуқароси Дониёр Ибрагимов саволи: ***Биз фойдаланилган газ учун тўловларни ўз вақтида амалга оширамиз. Аммо, сир эмас, бугун тўлов қобилияти етарли бўла туриб ўз вақтида қарздорликдан қутулишни эп кўрмаётган юртдошларимиз ҳам учрайди. Бундай истеъмолчиларга қандай чоралар кўрилмоқда?***

Жавоб: Ўзбекистон ҳам ривожланган давлатлар қатори барча муносабатларни ҳуқуқий мақомга солаётир ва албатта, истеъмолчилар билан хизмат кўрсатувчилар ўртасида ҳам муайян шартнома бор. Фойдаланилган табиий газ учун тўловларни ўз вақтида амалга оширмаслик ҳолати бўйича қўлланиладиган чоралар мазкур шартномада кўрсатилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан тартибга солиб турилади.

Мисол тариқасида келтириб ўтишимиз мумкинки, чакана истеъмолчи етказиб берилган табиий газ учун тўловларни шартноманинг 6.2. бандига асосан, ***«...ҳар бир ой тугаганидан сўнг, 10 кун муддат ичида амалга ошириши керак».*** *Шартноманинг 6.4. бандига асосан,* ***«Етказиб берилган табиий газ учун тўлов Чакана истеъмолчи томонидан огоҳлантириш олинган кундан бошлаб, 3 кун муддат ичида амалга оширилмаса, у газ таъминоти тармоғидан узиб қўйилади. Кейинчалик, мавжуд қарз чакана истеъмолчидан суд тартибида ундирилади».***

Чилонзор тумани 19-мавзедан фуқаро Курбон Эшматов саволи: ***Аҳоли ва коммунал-маиший соҳа истеъмолчиларига қандай газ ҳисоблагичлардан фойдаланишга рухсат этилади, деган савол бугунги кунда жуда долзарбдир. Айтингчи, замонавий электрон газ ҳисоблагичдан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан фойдалими?***

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 11 февралдаги №61-сонли қарорига асосан, коммунал-маиший истеъмолчиларга газ ҳарорати ва босимини автоматик тартибга солиб турувчи СТГ, АГАТ, ЭЛЬСТР, ГАБОЙ, АВТОПИЛОТ, ФЛОБУС ва бошқа русумли замонавий газ ҳисоблагичлар ўрнатилмоқда. Ушбу газ ҳисоблагичлар сарфланаётган газни автоматик равишда ҳисоблайди ҳамда сарфланган газ бўйича маълумотларни масофадан узатиб боради.

Аҳоли томонидан сарфланган табиий газни аниқ ҳисобга олиш учун газ ҳароратини тартибга солиб турувчи УБСТ, АГАТ, ОМЕГА русумли ҳисоблагичлар ўрнатилмоқда. Ушбу газ ҳисоблагичлар терморегулятор ва ҳимоя даражасига эгалиги билан ажралиб туради.

Электрон газ ҳисоблагичлардан фойдаланишнинг ҳар томонлама қулайлигини қуйидаги кўрсаткичлар ҳам яққол намоён этиб турибди:

1. Сарфланаётган газ миқдори пухта аниқланади.

2. Фойдаланиладиган газ учун тўлов олдиндан амалга оширилиши мумкин.

3. Газнинг йўқолиши камаяди (барча саноат истеъмолчилари учун газ ҳисоблагичлар газ тарқатиш тармоғининг кириш қисмига ўрнатилади).

Учтепа тумани «Тақачи» МФЙ дан фуқаро И. Исмоилов саволи: Агарда ҳисоблагич яроқсиз ҳолатга келса кимга мурожаат қилиш керак ва янги газ ҳисоблагични қаердан сотиб олган маъқул, унинг нархи қанча?

Жавоб: Агарда газ ҳисоблагич фойдаланиш учун яроқсиз, деб эътироф этилса, албатта ҳудудий газ идорасига, Сизга хизмат кўрсатувчи мутахассисларга мурожаат қилишингиз лозим. Янги газ ҳисоблагичларни эса шаҳримиздаги хўжалик-рўзғор буюмлари билан савдо қилувчи тижорат дўконлари ёки «Ўрикзор» ва «Жомий» (Чуқурсой) савдо мажмуаларидан сотиб олиш мумкин. Янги газ ҳисоблагичлар келишилган нархда сотилади, уларнинг қанча туриши газ ҳисоблагичнинг русумига боғлиқ.

Сергели тумани фуқароси Рўзибой Қўлдошев саволи: ***Газ ҳисоблагични қиёслаш текширувидан ўтказиш учун қаерга топшириш мумкин?***

Жавоб: Газ ҳисоблагични қиёслаш текширувидан ўтказиш «Тошкентшаҳаргаз» филиали тасарруфидаги исталган туман газдан фойдаланиш хизмати ёки «Ўзстандарт» агентлиги бўлинмалари орқали амалга оширилиши мумкин.

Ал-Хоразмий мавзесидан фуқаро Ҳасан Маматқулов саволи: ***Янги газ ҳисоблагични қиёслаш текширувидан ўтказиш шартми?***

Жавоб: Янги газ ҳисоблагич қиёсий текширувдан ўтказилиши шарт. Уларни рухсатнома (лицензия)га эга бўлган ҳар қандай лабораторияда текширтиришингиз мумкин.

Шайхонтоҳур туманидан фуқаро Нарзиқул Содиқов саволи: ***Ўзбекистонда қандай газ ҳисоблагичлар сертификатланган? Носоз газ ҳисоблагични харид қилиб, алданиб қолмаслик учун нима қилиш керак?***

Жавоб: Сотиб олинаётган газ ҳисоблагич, ҳар бир товар каби, ишлаб чиқарилган заводи томонидан берилган паспортига ҳамда «Ўзстандарт» агентлигининг мувофиқлик сертификатига эга бўлиши керак.

Учтепа тумани фуқароси Евгения Буржанадзе саволи: ***Айтишларича, газ ҳисоблагични давлат қиёслаш текширувидан ўз вақтида ўтказмаганлик учун жарима санкциялари қўлланиларкан. Шу ростми?***

Жавоб: Шуни эслатиб ўтиш лозимки, газ ҳисоблагични давлат қиёслаш текширувидан ўз вақтида ўтказмаганлик учун қонунларимизда ҳеч қандай жарима санкцияларини қўллаш кўзда тутилмаган. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги №99-сонли қарорининг 10-бандига асосан, Давлат қиёслаш текширувидан ўтказилиш муддати ўтказиб юборилган газ ҳисоблагичлар носоз, деб ҳисобланади. Бу эса улардан фойдаланишга рухсат берилмаслигини билдиради.

Яккасарой туманидан фуқаро Нозимжон Тошпўлатов саволи: ***Газ ҳисоблагични давлат қиёслаш текширувидан ўтказиш бўйича оралиқ (интервал) муддати тугаганидан сўнг, газ ҳақини ўртача кўрсаткичлар бўйича тўлаш бўйича талаблар бугунги кунда ҳам амалдами?***

Жавоб: Ушбу талаблар амалда. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги №99-сонли қарорининг 10-бандига асосан, давлат қиёслаш текширувидан ўтиш муддати ўтказиб юборилган газ ҳисоблагичлар носоз, деб ҳисобланади ва улардан фойдаланишга рухсат этилмайди. Фойдаланилган табиий газ учун тўловлар газ ҳисоблагичсиз ҳисобланганда, аҳолига бериладиган табиий газ сарфи бўйича белгиланган меъёрларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги ҳамда 2003 йил 2 октябрдаги №421-сонли қарорлари билан тасдиқланган нархнома (прейскурант) да кўрсатилган тарифлар асос қилиб олинади.

Ҳамза тумани фуқароси Олимжон Собиров саволи: ***Авария буюртмалари ёки газ сизиб чиқишини бартараф этиш хизматлари пулликми?***

Жавоб: Газ сизиб чиқишини ва газ таъминоти тармоғидаги носозликларни зудлик билан бартараф этиш билан боғлиқ авария буюртмалари бепул. Аҳолидаги газ асбобларини жорий таъмирлаш пуллик. Шунингдек, ҳар йили туман газдан фойдаланиш хизматларининг вакиллари томонидан амалга ошириладиган газ асбобларини тафтиш (ревизия) қилиш ва созлаш ишлари ҳам пуллик асосда амалга оширилади.

Чилонзор тумани фуқароси Одилжон Ибрагимов саволи: ***Хусусий ёки кўп қаватли уйлар хонадонларига ўрнатиладиган газ ҳисоблагич русуми қандай белгиланади?***

Жавоб: Газ ҳисоблагич русумини танлаш учун табиий газнинг меъёрий сарфини аниқлаш муҳим, яъни хонадонда нечта газ ёқиш жиҳози борлиги, қозонхоналар мавжудлиги, умуман, сарфланадиган газ ҳажмига қараб белгиланади.

Ўрикзор даҳасидан фуқаро Қобилбек Каримбеков саволи: ***Янги ҳовли қураётган эдик. Ҳали газ ўтказганимиз йўқ. Шунинг учун бизга хусусий секторни газлаштириш тартиби ҳақида тушунча берсангиз.***

Жавоб: Бу тартиб қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Истеъмолчи ёзма ариза билан туман газдан фойдаланиш хизматига мурожаат қилиши керак.

2. Аризага туман газдан фойдаланиш хизмати томонидан муносабат белгиси (виза) қўйилади, сўнгра «Тошкентшаҳаргаз» филиалининг Ишлаб чиқариш ва техника бўлимида рўйхатга олинади. Шундан сўнг, газлаштириш лойиҳасини тайёрлаш учун Лойиҳалаштириш институтига юборилади.

3. Тайёрланган лойиҳа «Тошкентшаҳаргаз» филиалининг Ишлаб чиқариш ва техника бўлимида рўйхатга олинади ва туман газдан фойдаланиш хизматига берилади.

4. Газлаштириш лойиҳасига асосан туман газдан фойдаланиш хизмати томонидан монтаж ишлари бажарилади, сўнгра газ жиҳозлари синовдан ўтказилиб, амалдаги газ таъминоти тармоғига уланади.

5. Газлаштириш ишлари якунланганидан кейин «Ишга тушириш далолатномаси» тузилади. Истеъмолчига газдан тўғри ва хавфсизлик қоидаларига риоя этган ҳолда фойдаланиш тўғрисида йўриқнома берилади, сўнгра газ етказиб бериш учун шартнома тузилади ва истеъмолчига Абонент дафтарчаси тақдим этилади.

Ҳамза туманидан фуқаро Аҳмаджон Иброҳимов саволи: ***Шу пайтгача фойдаланилган табиий газ учун меъёрий тарифлар бўйича ҳақ тўлаб келганман. Энди эса, хонадонимга газ ҳисоблагич ўрнатмоқчиман. Бунинг учун қаерга мурожаат қилиш керак?***

Жавоб: Газ ҳисоблагич ўрнатиш масаласида турар-жой манзилингиз бўйича туман газдан фойдаланиш хизматига ариза билан мурожаат қилишингиз керак.

Чилонзор туманидан якка тадбиркор фуқаро Илҳомжон Каримов саволи: ***Мен тадбиркорман. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳаракатидаман. Шунинг учун газдан саноат йўлида фойдаланиш борасида шартнома тузиш қандай амалга оширилиши ҳақида билмоқчи эдим.***

Жавоб: Табиий газдан саноат йўлида фойдаланишга шартнома тузиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш керак:

1. «Тошкентшаҳаргаз» бошлиғига ариза. Аризада оймаой фойдаланиш учун зарур бўлган газ ҳажми (буюртма) ва банк реквизитлари кўрсатилган бўлиши керак.

2. Келишув лойиҳаси, газлаштириш учун берилган техник шарт нусхаси.

3. Саноат қурилмаларини ишга тушириш-созлаш ишларини амалга ошириш учун «Саноатконтехназорат» ва «Ўздавнефтгазинспекция» томонидан берилган рухсатнома.

4. Юридик шахслар учун – уларнинг ҳокимиятда рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

Жисмоний шахслар учун — патент нусхаси.

5. Ўрнатилган газ асбоблари ва газ ҳисоблагич тўғрисида газ хўжалиги нозири томонидан тузилган қабул қилиш далолатномаси (газ тақсимлаш ускунаси созлиги тўғрисида тузилган далолатнома билан биргаликда), монтаж ишларини бажариш учун тумангаз идораси томонидан берилган топшириқ (наряд), тегишли махсуслашган ташкилот томонидан берилган қурилиш паспорти.

6. Ўрта босимли газ қувурлари синовдан ўтказилганлиги ва фойдаланишга қабул қилинганлиги тўғрисида Техник назорат хизматининг далолатномаси;

паст босимли газ қувурлари синовдан ўтказилганлиги ва фойдаланишга қабул қилинганлиги тўғрисида туман газдан фойдаланиш хизматининг далолатномаси;

магистрал газ қувурига уланишда — газ тармоғига улаш тўғрисида «Тошкентшаҳаргаз» филиали Техник назорат хизмати рухсатномасининг нусхаси.

7. Шартномалар бланкаси – 2 та (туман газдан фойдаланиш хизмати томонидан тасдиқланган бўлиши керак).

8. Фойдаланиладиган табиий газ учун олдиндан тўлов (тўлов паттаси ёки тўлов топшириғи (нусхаси).

9. «Газ хўжалиги учун масъул шахс тўғрисида» корхона бўйича чиқарилган буйруқдан кўчирма.

10. Газ ҳисоблагич паспорти ва Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартлаштириш идораси томонидан берилган мувофиқлик сертификати.

«Қабул куни»да фуқароларни қизиқтирган саволларга жавоблар берилгач, Темур Грабович пойтахтимизда истиқомат қилаётган барча фуқароларга мурожаат қилиб шундай деди:

Ҳурматли юртдошлар!

Фурсатдан фойдаланиб шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, аҳолига газнинг узлуксиз етказиб берилиши давлатимизнинг эътибори, иқтисодий қўллаб-қувватлаши, ҳукуматимизнинг доимий назорати ва албатта жуда катта маблағлар эвазига амалга оширилади. Агар бугунги кунда «Тошкентшаҳаргаз» филиали бўйича дебитор қарздорликнинг 248 852 миллион сўм миқдорда экани, шундан аҳолининг қарзлари 168 742 миллион сўмни ташкил этаётганини айтадиган бўлсак, ҳурматли юртдошларимизнинг бу борада ўз мажбурият ва бурчларини нечоғли ҳис этаётганликлари яққол намоён бўлади. Ахир, бу бир томондан, эксплуатация харажатлари, сотиб олинадиган турли анжомлар, эҳтиёт қисмлар, маҳсулотлар, ишловчиларга ойлик маош ва ҳоказо харажатлар дегани. «Қарс икки қўлдан чиқади» деганларидек, азиз ҳамшаҳарларимиздан етказиб берилган табиий газ учун тўловларни ўз вақтида амалга оширишларини сўраб қоламиз.

Яна бир гап, бундан буён филиалимиз қошида тузилган махсус комиссия махсус автотранспорт билан маҳаллаларни айланмоқда ва катта миқдорда қарздор бўлган ва сурункали тўловларни амалга оширмаётган истеъмолчилар хонадонларини тармоқдан узиш чорасини кўрмоқда. Ўйлаймизки, бундай чора аслида иқтисодий жиҳатдан муаммоси бўлмаган, аммо тўловларга панжа орасидан қараб келаётган айрим фуқароларимиз учун сабоқ бўлади. Умуман, табиий газ учун тўловни амалга оширишгина эмас, балки ундан тежаб-тергаб фойдаланишга ҳам ундаб қоламиз. Ахир бу поёнсиз неъмат эмас, уни қанча тежасак, у шунча кўп вақт ўзимизга хизмат қилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати турли соҳаларга тааллуқли саволларни доимий равишда ҳокимликнинг веб-сайти электрон манзилида кутиб қолади. Эслатиб ўтамиз, фуқароларимизнинг мурожаатлари жавобсиз қолдирилмайди ва ўз манзилига етказилади.

Ҳусан ЭРМАТОВ,
Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Ахборот хизмати раҳбари

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Юқоричирчиқ СИБ томонидан 03.11.2011 йилги ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ туман, Султонравод даҳаси Паркент кўчасида жойлашган чойхона. Бошланғич баҳоси 136 790 000 сўм. 2. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан № 3551-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, 8-кичик ноҳия, 11-уй, 36-хонадон. Бошланғич баҳоси 8 622 000. 3. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 09.03.2012 й. № 3883-сонли ижро варақасига асосан, Олмалиқ шаҳри, А.Темур кўчаси, 20-манзилда жойлашган кўчмас мулк Ўзбекистон кинотеатри. Бошланғич баҳоси 816 140 962 сўм. 4. Бўка тумани СИБ томонидан 03.07.2012 й. № 6739/9-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Бўка шаҳар, Ўзбекистон кўчасида 7-уйда жойлашган 2 қаватдан иборат маъмурий кўчмас мулк биноси. Бошланғич баҳоси 917 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 3 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 3 сентябрь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 18 сентябрь куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар, «Ипотека банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 5049 3605 0002, МФО: 00425, СТИР: 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8 - 371) 266-80-76. Лицензия: RR-0052

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Оҳангарон СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 16.04.2012 й. № 1-84/12-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. «ИЖП 3», д/р. 83 81 ТШИ автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 803 000 сўм. 2. 30.04.2012 й. № 1-139-4-12-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й. «Ваз 21063», д/р. 10 М 315 ЕА автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 917 590 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Оҳангарон Раҳмонтранссервис» майдончасида сақланмоқда. Савдога Юқоричирчиқ СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 01.03.2012 йилги ижро ҳужжатига асосан 1980 й. «Зил 130», д/р. 10 318 ВАА автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 20 694 600 сўм. Автотранспорт воситаси Юқоричирчиқ туман, Истиқлол қ.ф.й, Арганчи универсал сервис МЧЖ гаражида сақланмоқда. 2. 28.12.2011 й. № 11-1130/25283-сонли ижро ҳужжатига асосан 1999 й. «Кейс 2366», д/р. 1464 ЕЯ автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 80 995 500 сўм. 3. 28.12.2011 й. № 11-1130/25283-сонли ижро ҳужжатига асосан 1996 й. «Магнум 7240», д/р. 1811 ЕД автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 55 946 700 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари Юқоричирчиқ туман МТП, Янгибозор кўрғони, Баҳор кўчасида сақланмоқда. Савдога Бўстонлиқ СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда: 17.05.2012 й. № 11-1232/3223-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. «Трактор ТТЗ-80», д/р. ЕЛ 2379 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси –28 474 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 3 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 3 сентябрь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 18 сентябрь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Расмий сайт: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Юнусобод туман СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Тошкент вилоят хўжалик судининг 2011 йил 30 декабрдаги 11-1134/20400-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ниёзбек йўли кўчаси 7-уй, 28-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 154 кв.м бўлган, 3 қаватли бинонинг 1-қават қисми қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 184 000 000 сўм.**

2. Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 13 январдаги 10-1119/20440-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 3. Розий 1-тор кўчаси, 24-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 6941 кв.м бўлган, 2 та блокдан иборат, 4 қаватли бино-иншоот ва тикув цехидан иборат бўлган кўчмас мулк қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 1 395 486 494 сўм.**

Аукцион савдоси 2012 йил 20 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 17 август куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Расмий сайт: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001

Спорт янгиликлари

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

Жорий йилнинг 21 сентябрь — 6 октябрь кунлари Эронда футбол бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати мусобақалари бўлиб ўтишидан мухлисларнинг хабари бор.

Ўсмирлар ўртасида уюштириладиган Осиё чемпионатида Дилшод Нуралиев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси гуруҳда Ҳиндистон, Хитой ва Сурия терма жамоаларига қарши ғолиблик учун кураш олиб боради.

Ушбу нуфузли чемпионатда фақат совринли ўринларни эгаллашни ўз олдига ният қилган мамлакатимиз терма жамоаси ўқув-йиғин машғулотларига жиддий эътибор бермоқда.

Шуниси қувонарлики, Ўзбекистон футбол федерацияси кўмагида Дилшод Нуралиев шогирдлари Австрияда ўқув-машғулот йиғинларини ўтказишди. Ана шу машғулотлар доирасида Австриянинг «Академия Штурм Грац» клубига қарши назорат-ўртоқлик баҳсида куч синашган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси сермазмун ва ҳужумкор ўйин намойиш этиб мезбонларни 7:1 ҳисобида мағлуб эта олди ва Тошкентга ёруғ юз билан қайтди. Дарвоқе, шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бундан аввал Озарбойжонда бўлиб ўтган «Каспий Кубоги» турнирида фахрли 3-ўринни эгаллаган эди.

Айни кунларда пойтахтимизда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзолари навбатдаги ўқув-йиғин машғулотларида иштирок этишмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида оилавий спорт мусобақаларининг тез-тез ўтказиб турилиши оилавий муносабатларнинг мустаҳкамланишига, оилаларда соғлом турмуш тарзининг шаклланишига замин яратмоқда.

Мусобақалар

ОИЛАВИЙ СПОРТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Айниқса, ҳозирги кунда оилаларни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб, «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида жойларда ўтказиб келинаётган «Отам, онам ва мен спортчи оила» спорт мусобақалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур мусобақаларга маҳалла фаоллари ва уларнинг оилалари, хуллас 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган фуқаролар жалб этилган.

Шайхонтоҳур туманидаги «Белтепа» спорт мажмуасида ўтказилган шундай оилавий спорт мусобақалари ҳам жуда қизғин кечди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Шайхонтоҳур туман бўлими, туман Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақаларда маҳаллаларда истиқомат қилувчи 23 та оила иштирок этиб, спортнинг «Қувноқ стартлар», енгил атлетика, бадминтон, шахмат, шашка, теннис, дартс ва якка кураш турлари бўйича ўзаро куч синашишди. Қизиқарли ва мунтазам ўтган беллашувларда ғолиб чиққан оилавий жамоалар ҳомийлар томонидан эсдалик совғалар билан тақдирланди.

– Эрта тонгдан турмуш ўртоғим ва фарзандларим билан мактаб стадионини атрофида югуришни одат қилиб олганмиз, — дейди «Ўзбекистон» маҳалласида истиқомат қилувчи Абдувоҳид Азизхўжаев. – Шу боис югуриш мусобақаларида ғолиб чиқиш бизга унчалик қийинчилик туғдирмади. Бундай оилавий мусобақаларда илк бор иштирок этишимиз ва бизга жуда ёқди. Ана шундай фойдали ва қизиқарли мусобақаларни янада кўпроқ ўтказилиши тарафдоримиз.

Ибн Сино мавзесида яшовчи Зиёвуддиновлар оиласи эса шахмат бўйича ўтказилган мусобақа ғолибига айланди.

– Бўш қолдим дегунча турмуш ўртоғим ва фарзандларим билан шахмат ўйнашни ёқтираман, — дейди Шаҳноза Зиёвуддинова. – Назаримда шахмат бизни янада бирдам, ҳамжиҳат ва бир-биримизни тушунишимизга кўпроқ имкон яратаётгандек туюлаверади. Шу сабаб, ўз тажрибамиздан келиб чиққан ҳолда ҳар бир оилага муайян спорт тури билан биргаликда шуғулланишни тавсия қиламан.

Спортни ардоқлаб, уни оилавий анъаналар сирасига киритаётган хонадонлар сони ортиб бораётгани юртимизда спортни ривожлантиришга бўлган эътиборнинг самарасидир.

Отабек ОТАЁРОВ
Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

МУРАББИЙЛАР ЯНА СИНОВДАН ЎТИШАДИ

Миллионлар ўйини — футболни жадаллик билан ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар таҳсинга сазовор.

Албатта, футбол ривожида малакали мураббийларнинг ҳиссаси катта бўлиши барчага маълум. Кейинги йилларда Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан Осиё футбол конфедерацияси ҳамкорлигида мураббийлар малакасини ошириш мақсадида ўқув курслари ташкил этилаётганлиги футбол мухлислари кўнглини ҳушнуд этмоқда.

Ёдингизда бўлса, 2009 — 2010 йилларда юртимизда илк марта мураббийларни «Про» лицензияси учун ўқитиш курслари ташкил этилган ва ушбу курсларда 18 нафар ўзбекистонлик мураббийлар таҳсил олишган эди.

ФИФА йўриқномасига кўра дунёнинг исталган мамлакатида, профессионал футбол клубида ишлаш имконини берувчи «Про» лицензиясини қўлга киритган мураббийлар ҳар икки йилда қайта имтиҳон топширишлари керак. Буни инобатга олган Ўзбекистон футбол федерацияси 29-31 октябрь кунлари «Про» лицензияси учун ўқиган 18 нафар мураббийни қайта имтиҳондан ўтказадиган бўлди. Бунинг учун тингловчилар 2012 йилда Польша ва Украинада ўтказилган Европа чемпионати билан боғлиқ мавзуларга оид саволларга жавоб беришлари лозим.

Эслатиб ўтамиз, «Про» лицензиясига эга бўлган 18 нафар мураббийлар орасида Вадим Абрамов, Миржалол Қосимов, Азамат Абдураимов, Алексей Евстафеев, Мурод Отажонов, Виктор Жалилов, Андрей Микляев, Аҳмаджон Убайдуллаев, Усмон Тошев сингари таниқли мутахассислар бор.

Шунингдек, яқиндагина «Чиғатой» терма жамоаларни тайёрлаш марказида мураббийларни «В» лицензиясига тайёрлаш мақсадида ташкил этилган ўқув курси якунига етди.

Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан уюштирилган ушбу курсга ФИФА йўриқчиси Рустам Акромов раҳбарлик қилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, «В» лицензиясига эга бўлган мураббийлар биринчи лига доирасида бош мураббий лавозимида иш олиб боришлари, профессионал футбол лигасида эса ёрдамчи мураббий вазифасида фаолият кўрсатишлари мумкин.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Мутахассис маслаҳати

САНИТАРИЯ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ

Қуйдирги — юқумли касалликлар гуруҳига кирувчи, одамлар учун ҳам, ҳайвонлар учун ҳам ўта хавфли бўлган ўткир хасталик ҳисобланади.

Касалликни қуйдирги таёқчаси қўзғатади. У ташқи муҳитда спора ҳолида учрайди ва сувда, тупроқда 10 йилгача яшаш қобилиятини сақлаб туради. Қуйдирги касаллигининг манбаи асосан касалланган уй ҳайвонлари: қорамол, от, қўй, туя, эчки ва чўчқа ҳисобланади.

Касаллик одамга ветеринария хизмати ходимлари кўригидан ўтмаган ҳайвонларни сўйиб, терисини шилганда, гўштини нимталаганда, гўштни яхши термик ишлов бермасдан истеъмол қилганда юқиши мумкин.

Қуйдирги касаллиги кўпинча қуйидаги касбларда ишлайдиган кишиларда учрайди: қишлоқ хўжалиги ходимларида (чорвачилик фермаларидаги, молбоқарлар, сут соғувчилар, ветеринария хизмати ходимлари), гўшт комбинатлари, гўшт маҳсулоти ва тери билан ишловчи хусусий корхоналар, шунингдек, қушхоналар ва қоракўл, тери-мўйна цехлари, ҳайвон хом ашёсини қайта ишлайдиган муассасаларнинг ишчи-хизматчиларида, хонадонда мол боқадиган фуқароларда, қассобларда ва бошқаларда. Шу сабабли ҳам қуйдирги касбга алоқадор касалликлар сирасига киради.

Қуйдирги асосан ёз-куз фаслларида учрайди.

Касаллик одамга юққандан кейин бир неча соатдан то 14 кунгача яширин даври бўлиб, бунда беморлар шикоят қилмайди. Қайси йўл билан юқишига қараб, тери, ўпка, ичак ва қондаги турлари учрайди.

Асосан, 95-98 фоиз ҳолларда тери шакли учрайди. Бунда микробнинг терига кирган жойида қизғиш доғ пайдо бўлади, кейин бу доғ шишиб, ўша жойда суюқлик тўпланади. Сўнгра ёрилиб, яра пайдо бўлиши кузатилган. Яра оғриқсиз бўлади, усти қора парда билан қопланади.

Қуйдиргининг ўпка шакли анча оғир кечади, бунда касалликнинг яширин даври қисқа бўлиб, ҳарорат тезда кўтарилади, йўтал, нафас қисиши, мушакларнинг тиришиши, қон аралаш балғам чиқиши кузатилади.

Касалликнинг ичак шаклида қоринда қаттиқ оғриқ, ичакдан қон кетиши, тана ҳароратининг жуда юқори бўлиши каби аломатларни айтиш мумкин.

Септик шаклида эса, юқорида айтиб ўтилган клиник белгилар намоён бўлиб, кейинчалик касаллик кўзғатувчи таёқчалар қонга ўтади ва қон орқали бутун организмга тарқалади.

Касалликнинг олдини олиш учун қуйидагиларга амал қилиш керак: чорвачилик фермаларида, қушхоналарда, жун, тери, гўшт, сутни қайта ишлаш корхоналарида ишловчиларнинг иш жараёнида ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилишларини таъминлаш, ҳар йили режали эмланиб, тиббиёт ходимлари назоратида бўлишлари лозим, мол бозоридан сотиб олинадиган қорамолларнинг ветеринария хизмати ходимлари томонидан назоратдан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотномаси бўлиши керак, ветеринария назоратидан ўтмаган гўшт ва сут маҳсулотларини истеъмол қилмаслик, касаллик аломатлари пайдо бўлганда ўзбошимчалик билан даволанмасдан, зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш керак.

Аҳоли орасида қуйдирги касаллигининг олдини олиш бўйича санитария-тарғибот ишини кенг кўламда олиб бориш зарур. Ана шунда турли хил кўнгилсизликлар юзага келмайди.

Зулхумор ШОМУҲАМЕДОВА, эпидемиолог

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига тақроран Мирзо Улуғбек тумани суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

I. ЖИБ Тошкент вилояти судининг 02.02.2011 йилдаги 2-28/11-сонли ижро варақасига асосан, ИП «Нобел Фармсаноат» ҚК майдончасида сақланаётган:

1. «Даймлер бенц» русумли д/р 15U0077 бўлган 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 65 800 000 сўм.
2. «Волво» русумли д/р 17V6746 бўлган 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 51 700 000 сўм.
3. «МАН» русумли д/р 16M6959 бўлган 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси –70 500 000 сўм.
4. «SCHIMITZSK024» русумли д/р 16C616 бўлган 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 47 000 000 сўм.
5. «Мерседес-Бенц-1935» русумли д/р 15AF506 бўлган 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 31 960 000 сўм.
6. «SK-24» русумли д/р 19A351 бўлган 1995 йилда и/ч ярим-тиркама. Бошланғич баҳоси – 41 360 000 сўм.

II. ЖИБ Тошкент вилояти судининг 09.08.2010 йилдаги 2-123/10-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, ИИБ ЙХХБ майдончасида сақланаётган, «ГАЗ-3110-101» русумли д/р 10U366AA бўлган 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 6 432 091 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 28 август куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.

Такрорий аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 24 июнь куни соат 18:00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Respublika Mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги «Building Print» унитар корхонаси ўз номини «Building Print» масъулияти чекланган жамият қилиб ўзгартираётгани ҳақида маълум қилади. «Building Print» масъулияти чекланган жамиятига нисбатан даъволар 1 ой ичида кўриб чиқилади.

Тел: 244-35-39

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 3 август куни ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 3 августда Тошкент шаҳри обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Бировдан эмас ўзингдан ноли.

* * *

Дунё нотекис яралган экан, уни текислашга уриниш беҳуда.

* * *

Бировнинг оиласига фақат ташқаридан туриб ҳавас қилиш мумкин.

* * *

Фаолият одами тўшакка михланса, бундан ёмони йўқ.

* * *

Таниш орттириш осон, дўст топиш қийин.

* * *

Баъзиларнинг тарозиси пул – ҳаммасини шу тарозида ўлчайди.

* * *

Иши юришганга ҳамма душман.

* * *

Эрта қувонган кўпинча кейин хафа бўлиб қолади.

* * *

Самарасиз меҳнат ҳафсалани пир қилади.

* * *

Одам боласи бошқаларга кўрсатиб иш қилишни хуш кўради.

* * *

Ўзи иш қилмайдиганлар иш қиладиганларга халақит берадилар.

* * *

Қилинган иш бир куни рўёбга чиқади.

* * *

Муомаласи йўқ кишининг иши юришмайди.

* * *

Ҳар ким феълидан топади.

* * *

Кўриниб турган нарсага таъриф бериш шарт эмас.

* * *

Мард бўлсанг, бировларни эмас, ўзингни муҳокама қил.

* * *

Худо асрамаган кишини ҳеч ким асролмайди.

* * *

Ҳеч бир асос бўлмагани ҳолда ҳам шубҳаланавериш бу энди руҳий касалликнинг аломати.

* * *

Пала-партиш кишининг ишида барака бўлмайди.

* * *

Одатда, кераксиз нарса ҳамиша оёғинг остидан чиқади-ю, керакли нарсани сира излаб тополмайсан.

* * *

Инсонга вақт беринг, имконият яратинг – ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетади.

* * *

Одам боласи ўзини эмас, ўзгани айблаб ўрганган.

* * *

Ақлинг бўлмаса, нақл ўрган.

* * *

Айб топишга ҳамма уста.

* * *

Кўп нарсани кўрмаган, эшитмаганга олиб юрган киши ютади.

* * *

Кетадиган молнинг харидори кўп.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-4227

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 841

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4970 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ